



Ишонч

ШОХИЯТ
Тошкентнинг тарихи ва бугунги ҳаётини Ўзбекистоннинг тарихи ва бугунги ҳаётидан, Ўзбекистоннинг келгуси тараққиётини Тошкентнинг истиқболидан ажратиб, айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.
Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба uyushmalari Federatsiyasi nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqа boshlagan

Янги кун Янгиликлари

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган ёшлар давлатимиз томонидан ўқиш ва ишга жойлашишда берилган қатор имтиёزلардан унумли фойдаланиб, ҳаётда муносиб ўрнини топаёттир.

Собиқ аскарлар — талаба

Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиалига бу йил юз нафардан зиёд йигит Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёزلар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ талабалар сафига қабул қилинди.

— Информатика ва ахборот технологиялари факултетига ўқишни бошладим, — дейди наманганлик Алишер Турсунов. — Энди бу ерда билим ва малакамни янада бойитишга бутун кучимни сарфлайман. Айни кунда мазкур олий таълим муассасасида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган уч юз нафардан ортиқ йигит таълим олмақда.

Мухаммадхон МАҲМУДОВ

Талимархон шаҳридаги 435 нафар йигит-қиз билим оладиган қурилиш касб-хунар коллежи замонавий бинога эга бўлди.

Коллежнинг янги биноси

Муассасада янги ўқув биноси, спорт зали, устaxonалар барпо этилиб, энг сўнгги русумдаги компьютер ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Тендер қиймати 1 млрд. 781,4

млн. сўмлик касб-хунар коллежи қурилишини вилоятдаги «XXI аср» хусусий корхонаси амалга оширди.

Иzzат ҲИҚМАТОВ

Шовот туманининг Хитой қишлоғи чеккасидаги «Қозоқхалъа» маҳалласида 55 оила тез орада ҳовли тўйларини нишонлайди. Бу ерда замонавий лойиҳалар бўйича 27 та бир ва икки қаватли коттежлар қурилмоқда.

Замонавий уйлар

Янги турар-жой посёлкасини бунёд этишда «Шовотмахсусбиноқурилиш», «Оқолтинмахсусқурилиш», «Қиётмахсусқурилиш» каби қатор ташкилотлар қурувчилари жонбозлик кўрсатмоқда. Айни пайтда бу ерда муҳандислик коммуникацияларига улаш ишлари бошлаб юборилди.

К.ЎРОЗИМБЕТОВ

Жондор туманидаги 83-ўрта умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Зулфия Тўхтаева билимга чанқоқлиги, бадий ижодга иштиёқи ва жамоат ишларида фаоллиги билан ажралиб туради.

Иқтидорларга стипендия

Айниқса, унинг ўтган ўқув йилидаги шаксий натижалари барча ўқувчиларга намуна бўлди. Ана шундай ибратли жиҳатларни 25-мактабнинг аълочи ва жамоатчи ўқувчиси Сардор Очилов ҳам ўзида муҳассамлаштира олди. Улар эндиликда ўқув йили давомида вилоят касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг «Хавас» стипендиясини олади-

ган бўлишди. Янги ўқув йилининг дастлабки кунларида вилоят шаҳар ва туманларидан бир нечта ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчиларига мазкур стипендия тошдирилди. Бу эса иқтидорли ва жамоатчи ўқувчиларнинг фан сирларини янада пухта эгаллашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ, «Ишонч» муҳбири

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон

Ўзбегим пойтахти

Бебахо Тошкентимиз, нахоринг кундуздан шон, Меҳнаткаш, мунис, ўртоқ, қадрдон, дўст, эмиқдош. Киши — ёз, кузи — баҳор, туни кунидан равшан, Лондон, Париж, Румога алишмайман, кўҳна Шош.

Муқаддас ўзбек элини Кўркисену бахтисен, Шарқда ёруғ дарича, Ўзбек пойтахтисен.



Юқоридаги сатрларни аллома шоиримиз Фафур Фулом 1946 йил 12 ноябрда ёзган. Фарзандлик меҳри жўшиб, ватанга муҳаббати кўшиб битилган ушбу сатрларни Тошкент гимни дейиш мумкин.

Тошкент пойтахт мақомини олибдики, унинг шаъни тилларда дoston бўлиб янграб келмоқда.

...Буюк ипак йўлида, демакки, жанг жаддалар йўлида жойлашган барча шаҳарларимиз каби Тошкент қанча бузилса, яна овққа туриб, дўстларини қувнатиб, ганимларнинг кўзини ўйнатиб гуллаб яшайверган. Лекин унга ҳақиқий ободлик, пойтахт мақомига муносиб кўрку салобат мустақиллик тўғрисида насоб этди.

Мен Фафур Фуломнинг юқоридаги қўйма сатрлари битилган даврда Тошкентнинг қиёфаси қандай бўлгани тасаввур этолмайман. Ҳозирги авлод, мустақиллик

тэнгдошлари, майлига, биз билган Тошкентни билиб қўйсалар, тараққиёт қанчалик суръат билан одимлаётганини англаш мумкин бўлади.

...1973 йилнинг киши қарсиллатиб кириб келётган пайтлар эди. Биринчи курсдаги илк сессиянинг ваҳима этилмагандек, Тошкент шариғатига энди кўнкаётган 17-18 ёшли тўрт йигит уй хўжаси билан келишолмай қолиб, бошқа квартира излашга мажбур бўлди. У пайтларда фақат қизларга ва олис вилоятлардан келган талабаларга ётоқ жойи берилгани учун, пойтахтга яқин Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд вилоятга мансуб талабалар ижарада яшашга мажбур эдилар. Бу пойтахтдаги барча олий ўқув орталари талабаларининг пешонасига битилган савдо ва у пайтда ечиш мумкин бўлмагани муаммо эди.

Шундай қилиб, 1973 йил-

нинг қишида тўрталамиз тўрт томонга чопдик, юқори курсдаги бир акахонимиз ёрдамида Хастимом масжидининг шундоққона биқинидаги қизилчойхона ёнидан бир квартиранинг дарагини топдик.

Ичмаслик, чекмаслик, қишлоқдан меҳмон олиб келмаслик шарти билан 31 декабр кунни кечқурун кўчиб ўтдик. Яхши ёритилмаган, қанғир-қийшиқ, муз-сирпанчик кўчалардан унда-бунда ўтган машина энди қота бошлаган халқоблар лойқасини устимизга сачратиб ўтади. Китоб-дафтар, кўрпа-тўшак деганидек, кўч-кўронимизни ортмоқлаб, Қўштут бекатидаги квартирамизга кириб боргунча тўрталамизнинг ҳам бўларимиз бўлди.

Кейинчалик шу атрофдан ижарахона топиб, оилам билан яшай бошладик. Сессия кунлари қишлоқдан онам келиб болаларимизга қараб турар, бўш пайтлари набирала-

рини аравачага солиб, масжиду мадраса атрофини айлантириб юрар эдилар.

Раҳматлик онам саксон ёшдан ошганларида юрломай қолдилар. Лекин кўзи ўткир, фикри тиниқ эди. Бир борганимда, Хастимомни зиёрат қилдириб келишни илтимос қилдилар. Келдик. Миноралар, яшил майдонлар, яхшилаб таъмирланган масжиду мадрасанинг обод саҳни ҳар қандай кишининг ҳайратини ошириб тоширадиган даражада гўзал.

— Жуда обод жойлар экан, энди мени Хастимомга олиб бор, болам, — деб қолдилар онам.

«Шу жойда турибмиз-ку», десам ишонмайдилар. «Чойхонаси, кинохонаси, яна нимарсалари бор жой эди-ку», деб, мадраса ёнидаги лавҳани ўқиб кўргач, кўзлари ёшлиниб, замонани, бу қурилишга бош-қош бўлганларни кўп алқадилар.

Тошкентда кишини ҳайратга соладиган бундай ўзгаришлар ҳар кунни содир бўлмоқда.

Биз лавҳамиз бошида талабалар ётоқхонасини беркорга тилга олмадик. Энди бу жойлар «Талабалар шаҳарчаси», ётоқхоналар эса «Талабалар турар-жойлари» деб аталади. Ўз бошқони, ўз бюджети бор. Ҳар бир хона, у ердаги қулайликлар юлдузли меҳмонхоналарни эслатади. Яқинда таҳририятлар ўртасида мини-футбол бўйича мусобақа Талабалар шаҳарчасидаги стадионда ўтказилди. Бу жойлар чинакам спорт саройига айланибди. Бундан 15-20 йил аввал мана шу стадион дарвозасини эслатувчи тўртта чўпу мол боқиб юриладиган яёдоқ майдондан иборат эди, десам, ёш дўстларимнинг ҳайрати ошди.

(Давоми 2-бетда)

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига



Камтар, атрофдагиларга эзгулик улашшига шошилувчи кишилар ҳақида гап кетганда, «Навоийазот» ОАЖ касба уюшма қўмитаси раиси Тўлқин Рўзимуродов кўз олдимга келади.

Акциядорлик жамияти касба уюшма аъзолари бизнинг вакиллик тасарруфидалиги боис, гигант саноят корхонасида тез-тез бўлиб, у ерда ишчилар учун яратилган шарт-шароит билан танишиб туришимизга тўғри келади. 35 миллат вакилларидан иборат 11451 нафарлик жамоада аъзоларнинг баракали меҳнат қилиши учун барча имконият мавжуд. Касбақўм асосий эътиборини жамоа шартномасининг бекам қўст удалла-нишига қаратган. Янги марраларга эришиш учун пухта ишланган ҳаракат дастури ҳам, имконият ва салоҳият ҳам, азму шижоат ҳам етарли. Ишчилар меҳнат қилиш баробарида кўнгилли дам олиш, лозим бўлганда ўз вақтида саломатлигини тиклаш имкониятига эгадир.

Жорий йилнинг ўтган даврида 1200 нафардан ортиқ аъзога малакали тиббий ёрдам кўрсатилган бўлиб, 70,5 млн. сўмдан ортиқ маблағ сарф қилинган. Бево-сита касба уюшма маблағлари ҳисобидан 64 нафар ёш мутахассисга моддий ёрдам кўрсатилди. Корхона жамоасидан 81 киши «Чинобод», «Чортоқ», «Ботаника», «Умид гулшани», «Олтинсой» сингари сиҳаттоҳ ва санаторийларда саломатликларини тиклаб қайтишди.

Кадрлар малакасини оширишга ҳам қатъий амал қилинмоқда. Ўтган қисқа даврда 1813 нафар соҳа ходими белгиланган ўқув марказида, 669 нафар ёш ишчи махсус дастур асосида очилган тайёрлов курсларида билим ва малакаларини оширишга муваффақ бўлди. Ишчи-ҳодимлар, шу жумладан, кам таъминланган оилаларнинг 765 нафар фарзанди мавсум давомида корхона тасарруфидида «Офтобжон» болалар оромгоҳида кўнгилли ҳордиқ чиқариб қайтди.

Корхонада ишчи ва ходимларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб бориш мақсадида қўшимча хўжалик ҳам ташкил этилган. У ерда 295 та зотдор қорамол парвариланмоқда. Агар кам таъминланган оилаларга тарқатилган ҳамда янги олинган бузоқларни қўшиб ҳисобласак, йирик шохли қорамоллар сони 420

бошга етказилган. Бу ишчиларни арзон гўшт, сут маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга имкон бермоқда.

2009 йилда корхонада яна бир хайрли ишга қўл урилди. Уй меҳнати билан шўғулланувчи касаначилар учун 386 та янги иш ўрни яратилди. Иш жойига эга бўлганлар орасида 8 нафар ногирон ҳам бор. Қисқа даврда улар кучи билан бажарилган иш қиймати 171 млн. 258,5 миңг сўмга етди.

Мустақилликнинг 19 йиллиги арафасида «Навоийазот» ОАЖ фаолиятида яна бир қулайлик вужудга келди. Бу ерда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган полипропилен қоплар тайёрлаш цехининг иккинчи навбати ишга туширилди. Шу йўл билан 250 киши янги иш жойига эга бўлди. Асосийси, бундай қулайлик тўғрисида ҳар йили корхона 5 млрд. сўм иқтисод қиладиган бўлди.

Корхонада касба уюшма қўмитаси оммавий спорт тадбирларига бош-қош бўлиб келаёттир. Жумладан, «Аппомиш», «Барчиной» мусобақалари, «Навоийазот» ОАЖда ҳар йили ўтказила-

диган спартакиадага катта тайёргарлик кўрилади. Цех ишчилари ўртасида спортнинг мини-футбол, шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, баскетбол сингари 8 тури бўйича беллашувлар, табиийки, ҳеч қачон мусобақада касба уюшма қўмитаси раисининг иштирок этишига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади. Нафақат етакчи, балки ишқибоз бўлганлиги учун ҳам.

— Болаларим Навбахор туманининг Бешра-бот қишлоғида ўтган, — дейди Тўлқин Рўзимуродов. — Резина копток тез ёрилиб қолиши боис, латтатўп ясаб ўйнашимизга тўғри келарди. Олтинчи синфдалигимда мактаблараро ўтказилган мусобақаларда ўйнаганман. Ушунда қарийб 30 километр йўлни велосипедга босиб, «Навоийазот»нинг «Кимёгар» ўйингоҳига келдик. Шу бўлди-ю, латтатўп, чўпдан ясалган «дарвоза»миз билан хайрлашдим. Вақт топилди, дегунча катта имкониятга эга бўлган ўйингоҳ сари интилардим.

Самарқанд давлат кооператив институтига тахсил олгач, тақдир уни Бухоро кооператив


техникуми томон бошлади. У ерда иқтисод фанидан тайёргарлик кўрилади. Цех ишчилари ўртасида спортнинг мини-футбол, шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, баскетбол сингари 8 тури бўйича беллашувлар, табиийки, ҳеч қачон мусобақада касба уюшма қўмитаси раисининг иштирок этишига шубҳа қилмасангиз ҳам бўлади.

Кейинги уч йил иқтидорли раис фаолиятида янги даврни бошлаб берди. У бошлаган эзгу ишлари билан ҳар бир аъзо ҳаётига, кўнглига ва ҳатто оиласига етиб боришни оруз қилади.

Қаҳрамонимиз касб-кори билангина эмас, балки турмуш тарзи билан ҳам кўпчиликка ибрат. Турмуш ўртоғи Манзураҳон эл таниган иқтисодчи. Фарзанди Толмасхон «Навоийазот» ОАЖ маркетинг бўлимининг етакчи мутахассисларидан. Қизи Дилдора Навоий вилоят ҳокимлиги молия бошқармасида ҳисобчи. Қайси вазифада ишлашдан қатъи назар, ҳикоямиз қаҳрамони бор билим, кучини инсонларга наф келтириш йўлида сафарбар қилишга тайёр одамлар сирасидан.

Низомиддин ШОНИЁЗОВ, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноти ва геология ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши Навоий вилояти вакили

Олтин тахтим менинг, Ойтахтим менинг,



Ўзбегим пойтахти

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бирок, менимча, энди фақат ҳайратланишнинг ўзи камлик қилади. Бу равон йўллар, обод кўчалар, бир-биридан қиройли саройлар, бизга тегишли, сизга тегишли, фарзандларимизга дахлдор. Уни озода ва обод

сақласак, бу кўрку тароват янада яшнайди. Уйга уй қўшилса, қишлоқ бўлади. Кўчага кўча қўшилса, шаҳар тўлади. Уларни обод қилсанг, савлат бўлади, обрў-мартабанинг мувофиқ давлат бўлади, деганлар. Мустақилликнинг 19 йиллиги ара-

фасида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри олдидаги фаввора майдони қайта таъмирланди. Кечкурунлари бу жой, камалакранг мусикали фаввора атрофи тошкентликлар ва пойтахтимиз меҳмонларининг дам оладиган сулим

масканига айланиб улгурди ҳам. Газета саҳифалари тайёр бўлишини кутиб, кечкурун фаввора атрофини айланиб юрганимда бир меҳмон аёлнинг (афтидан, овруполик бўлса керак) таржимони билан суҳбати қулоғимга чалиниб қолди. Тушунимча, улар Мустақиллик майдонида бўлишган. Халқаро анжуманлар саройи ва Амир Темури майдонини томоша қилишган. Бир-бирларига бў томонида Темурийлар тарихи музейи, эгизак курантлар, Амалий санъат галереяси ва Ёшлар ижодиёт маркази, Туркистон саройи, уёғи консерваториянинг янги биносига чиди баланд меъмор томонидан ишланган яхлит архитектура ансамблини ташкил этишини таъкидлашмоқда эди. Ҳазрати Имом меъморий мажмуасини юқорида тилга олдик. Бундай меъморий яхлитликка эришган ансамбллари Миллий боғ ва Ўзбекистон телеминораси атрофидаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, бў томони хашаматли меҳмонхоналар билан туташ юлдузлар шаҳрида ҳам қуриш мумкин. Улар бугун университетнинг ёки коллежнинг биринчи курсига отланган йигит-қизларимиздан ҳам ёш. Илло, Тошкентимизнинг умри боқий, Мустақиллигимиз каби абадий бўлсин!

Тошкентим, азиз шаҳрим, ўзбекининг бош қалъаси, Сендан элга таралгай истиқлол машъаласи. Озод бўлдинг, озод бўлдинг, озод бўл, Тинчлиги тараққийда обод эдинг, обод бўл!

А. АБДУХОЛИКОВ

Ўсимлик, дов-даррахт, гулу гулзорсиз атроф-муҳитнинг кўржи ва тароватини, шаҳарнинг хусн-жамолини, қиёфасини ҳатто тасаввуримизга сиғдира олмаймиз. Инсон ҳамisha яшнаб ва яшариб турган табиатга, тириклик уфуриб турган борлиққа эҳтиёж сезади.

Яшил оламни асрайлик

Маълумотларга қараганда, 1 га. майдондаги даррахтзор 54 тонна чанг, 5 тонна углерод 2 оксидни ушлаб қолиб, ҳавонинг зарарли микрофлора билан тўйинишини 40-45 фоизга камайтираётган. Биобарин, инсон саломатлиги мустаҳкам бўлиши учун кўкаламзорлаштирилган ҳудуд керак бўлади. Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофазаси қилиш гуруҳи бошлиғи Шокиржон Бакиев бу ҳақда шундай дейди: — Аҳоли жон бошига кўкаламзорлаштириш меъёри 50 кв.м. бўлгани ҳолда шаҳримизда бу курсаткич 69 кв.м.ни ташкил қилади. Тошкент шаҳрининг кўкаламзорлаштириш даражаси бугунги кунда Санкт-Петербургда 16, Пекин ва Москвадан 40, Остона шаҳридан 24, Сизетл шаҳридан 2-3 мартаба ортук. 1990 йилга нисбатан бу курсаткич 21,5 кв.м.га ошди. Мустақилликдан кейин юртимиз янада чирой очди. Қўрганда кўз қувонадиган даррахтлар сони ва тури кўпайди. Шаҳримизда ўсимликлар олами жами 15200 га. майдонни эгаллаган бўлиб, жами 220 турдаги даррахт, 30 хилдаги буталар ўсади. Бизнинг вазифамиз имкон қадар даррахтларни асраш, яшил оламни муҳофазаси қилиш, даррахтларнинг беҳуда кесилишига йўл қўймаслик. Бу борада бирор муаммо келиб чиққан тақдирда ҳам, бу ҳудудга тегишли идора ёки бошқарма билан келишилган ҳолда расман, қонун йўли билан бартараф қилинади. Ҳозир-



ги кунда асосан игнабаргли, каштан, Шарқ чинори, шумтол, япон сафороси, қарағай, эман, заранг, қайрағоч каби даррахт турлари энг асосий навлардан ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳрининг марказий қисмидаги ёши 100 дан ошган 30 туп даррахтга «Давлат табиат ёдгорлиги» мақоми берилди.

Демак, ҳар бир даррахт назоратда. Уларнинг сабабсиз бирор шохи синишига ёки нобуд бўлишига йўл қўйилмайди. Шаҳар бедарвоза эмас, деганлари шу бўлса керак-да. Йўқса, бу қадар саришталик, гўзаллик ҳукм сурмасди.

Юртбошимиз ташаббуси билан охириги 10 йил ичида пойтахтимизда 3027 га. майдонда бир неча истироҳат боғи барпо этилди. 1223 га. асфалт қоплами олиб ташланиб, гулзор-боғ ва кўкаламзорга айлантирилди. Натижанда, шаҳримиз аҳолисининг севимли дам олиш масканлари кўпайди. Ҳар йили шаҳримизда 100 мингдан ортук даррахт кўчати ва 2,5 млн. туп бута экилади.

Тошкент шаҳар табиатини муҳофазаси қилиш қўмитасининг бевосита ҳомийлиги билан кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг Абдулла Қодирий, Бобур номидаги истироҳат боғларида ўсимликлар инвентаризацияси ўтказилиб, янги манзарали даррахт кўчатлари ва буталар экилди.

Халқимизда фарзанд турғилса, кўчат эк, деган нақл бор. Чунки айрим терак ва шунга ўхшаш тез ўсувчи кўчатларнинг даррахт бўлиши учун 20-25 йил вақт керак. Фарзанд улғайиб, шу ёшга кирганда яхши ниёт билан экилган даррахтлар иморат қуриш учун яроқли бўлади.

Яшнаб турган даррахтлар тириклик рамзи ҳамдир. Ёшлигимизда буюм: «Даррахтларда ҳам жон бор, уларнинг ҳар бири бир ҳикмат», дер эдилар. Бир асрни яшаб қўйган даррахтларга тикилар эканман, э-э, буларда не-не ҳикмат яширин бўлса, деган ўй кечди. Бу алоҳида мавзу. Бирок дунёда ҳеч нарса бежизга яратилмаслиғи аниқ.

Самода парвоз қилиб, чўғурлаб сайрайдиган қушлар ҳам шу даррахтлар туфайли шаҳарда кўним топишди. Кейинги пайтларда ҳатто лайлак ва турна каби ноёб қушлар ин қура бошлади. Ҳозирда пойтахт ва унинг атрофида 200 дан зиёд лайлак ва турна инлари мавжуд бўлиб, бу албатта, тинчлик ва фаровонлигимизга ишора ҳамдир.

Ниятимиз — пойтахтимиз янада гуллаб-яшнаверсин, кўркам бинолар, кўкка буй чўзган даррахтлар, сайроқи қушлар кўпайверсин.

Сайёра ШОДИЕВА, «Ishonch» муҳбири

Сув кўнгилдаги қуборни кетказиш хусусиятига эга. Буни илм аллақачон исботлаб бўлди. Кўнгилимиз тўлиққанда, танзимиз чарчоқ ҳис қилганда, у томон ошиқишимиз ҳам бор гап. Танзимизнинг саксон фоизга яқин қисмини сув ташкил қилганлиги учун ҳам бу унсурга кўпроқ талпинармиз.

Дурлар сочган фавворалар

Аждодларимиз бу сирнинг моҳиятини жуда яхши англаб етишган, дейиш мумкин. Зеро, сув билан боғлиқ аънаналар, урф-одатлар ва ниҳоят, меъморчилик санъати намуналари ҳам илк бор Шарқ бешигида «туғилган».

Соҳибқирон Амир Темури ҳукмронлиги даврида Мовароуннаҳрга ташриф буюрган Испания элчиси Руи Гонзалес де Клавихон Боғи Дилқушо билан боғлиқ шундай хотиралари бор: «Подшоҳ саройида суви тенага отилиб турган фаввора бўлиб, унда қизил олмадар қалқиб турарди...»

Шу ўринда савол туғилади, элчини фавворалар нега ажаблантирди экан? Ваҳоланки, бу даврда Шарқ меъморчилиги санъатининг таркибий қисми сифатида фавворасозлик ривожланган, бу нарса Фарбга ҳам етиб борган эмасмиди? Йўқ, дея жавоб бериш билан чекланмай, фикримизни асослаймиз.

XIV-XV асрларда юртимизда урф бўлган, шу даврда Навоий, Бобур асарларига ишланган миниатюраларнинг асосий образига айланган фавворалар ҳали Европа халқлари учун нотаниш эди. Ўз даврида фавворалар ёйсидон, тўртбурчак шаклларда бўлиб, атрофи ва ичи тўқ қизил ҳамда оқ мрамор тошлар билан безатилган. Археологик қазишмалар натижасида бундай фавворалар Шаҳрисабздаги Оксаройда, Самарқанддаги Боғи Дилқушода ҳамда Бухородаги Ситори Моҳи Хоса саройида бўлгани аниқланган. Мурақаб муҳандислик-қурилиш ечими асосида бунёд этиладиган фавворалар аждодларимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, меъморчилик санъати нақадар юксак бўлганидан далолатдир.

Халқимизнинг бу борадаги юксак бунёдкорлик салоҳияти бугун ҳам дунё эътиборини торттиб келмоқда. Тошкентдаги дастлабки фаввора 1890 йилда қурилган эди. Бирок уларнинг аксарияти истиқлол йиллари бунёд этилган ёки реконструкция қилинган. Мустақиллик майдонида, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати бинолари олдида, «Туркистон» саройи, Гафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида жойлашган фавворалар мафтуноқлиги билан ажралли туради.

1996-1997 йилларда Темурийлар тарихи давлат музейи ва хиёбонидида турли шаклга эга, миллий ва замонавий меъморчилик аънаналарини ўзида муҳассам этган кўплаб кўркам фавворалар бунёд этилди. Турли рангларда жиллоланадиган фавворалардан бири Мустақиллик майдонида жойлашган бўлиб, узунлиги 88 метр, эни 36 метрни ташкил этади. Унга ўрнатилган 172 та сув пурқачи ва чироқлар этти хил ёдугу таратади.

Фаввораларнинг ҳар бирини таърифлайман десангиз, вақту қоғоз етмайди. Яхшиси, ўзимиз гувоҳ бўлган, бугун минглаб пойтахтгаги меҳмонлар баҳри-дилини

очишга хизмат қилаётган Мусиқий фаввора хусусида тўхталсак.

Бир-икки йил олдин ёз кўеши ўт пуркаётган кунларнинг бирида ҳаммаслар Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри яқинидаги машҳур фаввора олдида салқинлагани чикдик. Сув томчилари ҳар ёнга шўх сачраб, танга ҳузур бағишлайди. Бир-икки қария, музқаймоқ ялаб ўтирган ёшлардан бошқа кимса қуринмайди. Шу пайт қувонч билан қувалашиб келётган бир-икки йигит пайдо бўлди, чамаси, битирувчи талабалар. Диплом ҳимояси аънаасига кўра, бир-бирини сувга бўктиришмоқчи. Хурсандчиликдан энгилбоши билан битта-битта сувга ташлашди. Қийқиришларини айтмайсизми?! Ҳамма ҳавас билан, кимлардир эса ўз ёшлиғи — бебошлиғини эсга олганча, томоша қилиб турдик. Бирок ҳеч қанча ўтмай, милиционерлар пайдо бўлиб, тартиббузарларни сувдан чиқариб олишди. Жамоат тартибини бузганларни атрофдаги онахонлар ўртага тушиб, ҳимоя қилишди... Хуллас, яна ҳамманинг юзида қувонч, кимдир ҳазил аралаш кинони эслади: «Танийман буларни, парижликлар...». Атрофга қаҳжаҳ ёйилди.

Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида эса шундай қувончларнинг кўпига гувоҳ бўлган фаввора таъмирланди ва янгича қиёфа касб этди. Бу ердаги шодлик, қаҳқаҳалар янада давомли бўлади энди. Тун ярмигача камалак рангларига чўлғаниб, эркаланиб-эркаланиб отилаётган сув яна ҳаммани сеҳрлаб қўйди. Бу ерга келувчилар кундан-кунга кўпаймоқда. Яхшилик фақат яхшиликни еталайди деганлари рост экан. Ишга тушганда бир ой бўлмасдан, фаввора атрофи оилавий ҳордиқ масканига айланиб улгурибди. Болажонларнинг қийқириқлари, катталарнинг эса хайратдан «унисини қара, бунисини қара»-ларига тўлиб кетадиган оромгоҳга сиз ҳам ташриф буюринг. Топганингиз фақат қувонч, олганингиз бир олам таассурот бўлади.

Пойтахтни зиёрат қилиб, қай гўшасига борманг, фавворалар дурлар сочиб қаршилайди. Дорилонан кунларда амалга оширилаётган бунёдкорлик учун, беихтиёр, яратганга шукрона айтасиз, юрт тинчлиги боқий бўлишини тилайсиз. Зеро, тинчлик, хотиржамлик ҳукм сурган юрдагина халқ бунёдкорлик ишларига қодир бўлади.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» муҳбири

P.S.

Чарчоқбосди қилиб Навоий номидаги Давлат академик Катта театри рўпарасидаги фаввора атрофини айланиб юриб, мана бу темир лаваҳга кўзимиз тушди: «Кучуклар билан сайл қилиш қатъиян тақиқланади!» («Гулять с собаками запрещено!») Кимдан чиққан фикр бўлса ҳам, отасига минг раҳмат!



Шу десангиз, одатга кўра «Туркистон» саройидан бошланиб, то Абдулла Қодирий номидаги истироҳат боғига қадар салкам икки километрлик (балки кўпроқдир) Гафур Фулом кўчасига тароват бағишлаб турган хиёбон бўйлаб сайр қилгани набирадан билан чикдик. Каттаси — яқинда ўн ёшга тўлган Ботирхон уч ёшга қадам қўйган Акбаржоннинг шухликларини «назорат қилиш»да менга ёрдамчи. Гоҳ майсазорларга кўниб нималарнидир чўқилаётган қушларни қувлаган, гоҳ қоқилиб-майишиб кийимларини чанг қилган Акбаржон яна бир ишни бошлади. Аввал кузатишмаган, лекин кўп орзу қилинган ҳол — хиёбон ўртасидан ўтган сўқмоқ четларига тахминан 30-40 метрлар оралатиб қўйилган чиқинди идишларга осилиб, улар нималар билан тўлдирилганини кўздан кечиришни бошлади. Барака топсин, Ботирхон унинг ортидан хай-хайлаганча югурилгани-югурилгани.

Беихтиёр, қизиқиб мен ҳам қарадим. Бир уюм қоғоз, бир қанча сигарет қолдиги, иккита пластмасса идиш... Аммо ҳар жой-ҳар жойда сочилиб ётган чиқиндилар бир неча баравар кўп. Демак, одамлар ҳали кўникиш ҳосил қилмабди, деган ўй кечди ҳаёлимдан. Наҳотки, бунга ўрганиш, одатга айлантириш шунчалар оғир бўлса? Ахир ўз уйимизда, ҳовлимизда, чорбоғимизда бунга асло йўл қўймаймиз-ку! Нима, кўкракни

Хиёбон бўйлаб...

Тошкент кейинги йилларда жуда ўзгариб кетди. Бири-бирдан сервиқор биноларни, қайта таъмирланиб, соч-соқолини киртишлаган нурунийдек янада кўркамлашган мадраса-хонақоларни кўя турайлик. Йўллар, кўприклар, ҳар бири алоҳида кўриниш ва жозибага эга бўлган фаввораларга ҳам гап йўқ. Сайилгоҳлар ва хиёбонлардан гапиринг — очиги, бундай яшилликка унча-мунча тропик ўлкалар аҳолисининг ҳам ҳаваси келиши аниқ.

тоза ҳавога тўлдириб сайр қиладиганимиз соя-салқин хиёбон ўзимизники эмасми? Ёки ушбу юмушларни бажарадиганлар бор, тозаланиш таъминлаш ушларнинг вазифаси, деган боқиманда қайфиятдан ҳамон халос бўлмайётганимизнинг асоратими бу?.. Чаккиб турган писта пўчоғи ёки чекаётган сигарета қолдигини ёхуд ёб тугатилган музқаймоқ қоғозини дуч келган томонга улуктиришининг сира қийин жойи йўқ. Албатта, агар виждон қийналмас! Буларни йиғиштириб олиш ҳам, аслида, унчалик машаққат тугдирмайди. Агар асаб толалари таранг тортилиб, баъзан узилиб кетгуде бўлишини ҳисобга олмасан... Одатим бўйича ҳар кун ишга кетаётган (дам олиш кунлари ҳам) эрта билан чиқиндилар тўпланиб қолган олим халтани кўтариб лифддан тушман. Лифт ишламаган пайтларда ишга жўнаш тадориғи яна-ям чўзилиб кетади. Йўл-йўлакай писта

пўчоғими, сигарет қолдигими ёки бўлма-са, музқаймоқ қоғози билан бир-бир халтани тўлдираман. Йўлаққа қираверишда ҳам шу ҳол такрорланади. Буни ўтиб бораётган ёки нималарнингдир кенгашини қилиб турган одамлар (улар орасида аёллар ҳам бор) кўришади. Лекин на кош чимиришади, на ажабланишади; шундай бўлиши керакдек парво ҳам қилишмайди. Бир қўшинини яқинда гапириб қолди: «Қўйинг, ўзингизни қийнаманг, барибир фойдаси йўқ». Бунга энди нима дейсиз?.. Туриб-туриб ҳайрон бўлман. Ростдан ҳам шунчалар ишимиз кўпми ёки лоқайдлик юкумли касаллик каби барчамизни ўз домига тортиб улгурдими? * * * Миллий либослар галереяси ва Болалар ижодиёт уйи оралиғида светофор ўрнатилган. Тартибга қай даражада рия қилинаётганини кўриб, ёқа ушламай оложиниғ йўқ.

ОЛАМДА ЯГОНА ПОЙТАХТИМ МЕНИНГ

Орасталик ижодкорлари



гуликка бўшатиб беради, — дейди Ташкент шаҳар ҳокимлиги Ободонлаштириш бош бошқармасининг бирлашган касабаси уюшма кўмитаси раиси Муқаддас Ражабова. — Бизнинг 10 минг кишилик жамоа ҳам ана шу ақидага оғишмай амал қилиб келяпти.

— Бир кун супурги тегмаган ҳовлининг аҳволи қандай бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин катта бир шаҳарни озода тутишининг ўзи бўлмас керак?

— Нимасини айтасиз. Бошқармамиз рамзи туширилган махсус кийим-бош кийган захматкашларнинг киши билмас оғир, лекин шарафли меҳнатига ҳар қанча таҳсин айтсак кам.

Кўпинча шахримиз кўчаларини, айниқса, ҳовлиларда яшайдиган келин-қизларни саҳардан кўчаларни ёғ туша ялагудек қилиб супуриб-сидириб қўйганликларини кўриб қувониб кетасан. Лекин ҳамма жойда ҳам бу ишга муносабат бир хил эмаслиги дилни бироз хира қилади. Масалан, айрим кўп қаватли уйларида истиқомат

қилувчилар чиқиндиларни махсус жойга эмас, худди атайин қилгандек шундоққина йўл четларига ташлаб кетишини ёхуд деразадан улоқтиришини сира тушунолмайман.

Шу ўринда айрим уй-жой ширкатлари раҳбарлари ҳам эътирозим бор. Хазон ёки кесилган дарахт шохларини йиғиштириб, ҳар бир тумандаги «Махсустрас» ташкилоти билан шартнома тузган ҳолда, уларни белгиланган жойларга олиб бориб ташлашни уюштиришлари лозим. Лекин улар харажатдан қочиби, шох-шабаба ҳамда хазонларни шундоққина катта йўл ёқасига чиқариб қўйишмоқда. Оқибатда бу вазифа ҳам бизга юкланаяпти.

Яна бир муаммо борки, бу нарса анчадан бунён ҳал бўлмай келяпти. Фаррошларимиз базидида 3-4 бекат нарига бориб ишлашларига тўри келади. Пиёда юрган тақдирда вақтни бой беришади. Мана шундай вақтларда йўловчи транспорт ҳайдовчилари улар билан яхши муносабатда бўлишмаяпти.

— Шаҳримизни тоза тутишдек олижаноб ишни амалга ошираётганлар нафақат меҳнат қилиши, балки кўнгилдагидек хордик чиқаришга ҳам ҳақлидирлар.

— Албатта, ободонлаштириш бош бошқармаси ҳамда бирлашган касабаси уюшма кўмитаси асосий эътиборни шунга қаратган. Барча туман бошқармалари махсус автобус билан таъминланган. Фаррошлар ҳамда кўкаламзорлаштириш ходимлари оқватланадиган ҳамда кийим алмаштириш хоналари ташкил этилган.

Дарвоқе, шу кунгача «Кумушкон» ҳамда «Сумча» дам олиш уйларида 370 нафар ишчи-хизматчимиз дам олди. 45 нафар кишига ёрдам пули берилди. Фарзандларимиздан 140 нафари «Меҳржон», «Конструктор», «Гунча» болалар ёғзи оромгоҳларида хордик чиқаришди.

Байрам муносабати билан Ташкент Давлат мусиқали рус оперетта театрига 600 дона, Муқимий номидаги мусиқали театрга 1000 дона чипта тарқатилди. Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги муносабати билан 5 мингдан зиёд кишига мукофот пули берилди.

Бундан бунён ҳам орасталик ижодкорлари учун кўнгилдагидек иш шароити ярати бериш учун барча имкониятларимизни сафарбар этаверамиз.

«Ishonch» мухбири Неймат РАФИҚОВ суҳбатлашди

Ватан ичра ватан

Беш йил муқаддам Президентимиз маҳалламизга ташир буюриб, худуддаги ўзгартирилган юксак баҳолаган, ўшанда онлайн поликлиника, спорт мажмуалари ва янги гузар фойдаланишга топширилганди. Мазкур иншоотлар бугун маҳалла аҳли учун хизмат қилмоқда.

Айни пайтда маҳалламизда 3127 киши тинч-тотув ҳаёт кечирмоқда. Худудда жойлашган 26-БЎСМда 150 нафардан зиёд ўғил-қиз спортнинг футбол, волейбол, бадий гимнастика, Турон аккакураши каби 9 та тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Утган йили 9-10 ёшлилар ўртасида бўлиб ўтган «Футболимиз келажиги» мусобақасининг шаҳар босқичида 1-уринни эгаллаганимиз саъй-ҳаракатларимиз зое кетмаганидан далолатдир. Воёга етмаганларни спортга жалб этиш борасида ҳам талай ибратли ишлар амалга оширилмоқда. «Отам, онам ва мен» мусобақаси иштирокчилари сафи кенгайиб бораёпти.

Ёшлар ўртасида жиноятнинг олдини олиш учун, аввало, уларнинг бунён вақти мазмуни ва унумли ўтишини таъминлаш даркор. Шу мақсадда Оталар чойхонасидан битта хона ўқувчилар ижодиёт марказига тўғарақлар учун очиб берилди. Пазандлик, бичиштиқиш, тўқиш сингари тўғарақларга 70 дан ортиқ фарзандимиз жалб этилган.

Ички ишлар ходимлари, таниқли шахслар, маҳалламизда туғилиб ўсиб, айни пайтда ватан равнақи йўлида меҳнат қилаётган таниқли кишилар билан учрашув ва давра суҳбатлари ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш ва дунёқарашини кенгайтиришга ёрдам бераётди.

2007 йил маҳалламиздаги милиция таянч пункти Ички ишлар вазирлиги томонидан ўтказилган аъёнвий «Энг намунали милиция таянч пункти» танловиди биринчи ўринни қўлга киритиб, «Дамас» автомашинаси билан тақдирлангани барчамизни бирдек тўлқинлантириб юборди.


Кези келганда, «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кўни» йил сайин тарбиявий аҳамият касб этаётганини таъкидлашни истардим. Бу йил ҳам ушбу сана кенг нишонланди. Унда болалар ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишлари, куй ва қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди. Байрамда 12 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига спорт формалари, фаол иштирокчиларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Маҳалламиздаги ишлаб чиқариш корхоналарида тайёрланган махсулотлар, турли кийим-кечаклар, мебел жиҳозлари ва ўй-ўйғор буюмлари кўрғазмасини ўтказиш аъёнана айланган. «Меридиан», «Navro'z», «Vopu story servis» сингари хусусий корхоналар кўплаб маҳалла ёшларини иш билан таъминлаган.

Бахтинур САИДОВ, Учтепа тумани Журжоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси

Ёзинг жазирама кунларидан бирида метрога тушдим. Салқин эпкин елиб турган сароймонанд бекат бирпасда чарқоқни эсдан чиқарди. Маҳобатли устунлар, ҳашамдор деворлар, қолаверса, орасталикни кўриб кўзини кувнайдим. Пайдар-пай қатнайидиган поездга чиқиб, ўн дақиқада кўзлаган бекатимга етиб келдим.

Метродан...



автобус бекатига

Метродан чиққач, манзилимга олиб борадиган йўлнинг қолган қисмини автобусда давом эттириш учун бекатга яқинлашдим. Бекатнинг ҳар ерида сочилган листа пўчоқ ва қоғозлар. Бунинг устига, автобусдан тушаётган йўловчиларнинг қўлидаги гижимланган чипталарни оёқостига ташлаши беихтиёр таъбингни хира қилади.

Ярим соатча кутдириб келган автобусга шошилиб чиқаман. У эса ҳадеганда ўрнидан кўзгалмайди. Одамларнинг «автобусни ҳайдамайсизми», дея норозилик билдиришига жавобан ҳайдовчи «Бизда ҳам план бор, уни бажармасам, бола-чакамни сиз боқасизми?» деб жеркиб ташлайди. Автобус юргандан кейин ҳам кўнгилхираликлар тугамайди. Шу йўналишда қатновчи бошқа автобус пайдо бўлса, йўловчи талашиб у билан пойга ўйнайди. Ҳатто автобус ойнасидан бошини чиқариб, ҳамкасбини уятли сўзлар билан сўкишдан ҳам тап тортмайди. Афсуски, бу ҳол ишга ёки ўқишга автобусда қатнайидиган ҳар бир йўловчига таниш.

— Бир гал автобус бекатдан кескин харақатланиб билан кўзгалди. — дейди бир танишим. — Йўловчилар бир-бирига урилиб, ҳали ўринда қотиришга улгурмаган кекса кампирнинг эса йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Кейинги бекатда ҳам шунга ўхшаш воқеа юз берди. Бир киши бекатга тушмоқчи бўлгани-

да эшик ёпилиб, автобус юриб кетди. У ҳайҳайлаганча қолди.

Беихтиёр метрода йўловчилар учун яратилган шароит кўз ўнгимдан ўтади. Нега иккисидан ҳам йўл ҳақи бир хилу хизмат кўрсатиш бошқа-бошқа? Албатта, савол қўйиш билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Аввало, унинг ечими ҳақида бош қотириш лозим. Чунки муаммоларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлмаган томонлари ҳам бор. Мисол учун, «Тошшаҳартрансхизмат» корхонаси ҳар бир бекатнинг тозаланишига назорат қилолмайди-ку. Аммо бу муаммонинг ечими йўқ дегани эмас. Биламиз, кўплаб бекатларда савдо дўконлари жойлашган. Дейлик, ўша дўкон оғаларини бекатдаги озодаликни таъминлашга жавобгар этиб қўйиш орқали аҳволни бошқа томонга ўзгартириш мумкин эмасмикан? Лекин транспорт хизмати кўрсатиш ходимларининг ўз ишга масъулиятини ва йўловчилар билан муомала қилиш маданиятини ошириш борасида мутасаддилар учун қандай қийинчилик борлигини тушуниш қийин. Айтайлик, транспорт бошқаруви раҳбарининг автобус келиб тўхтаганда ва харақатланаётганда бекатлар номини эълон қилиб боришни йўлга қўйиш унчалик қийин эмас-ку? Бу борада масъул идора раҳбарлари жиддий бош қотирсалар, айни мuddао бўларди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ, «Ishonch» мухбири

Ризқу рўз маскани

Қайси бир бозорга кирманг, рўй бераётган ўзгартирилган, олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб баҳри-дилингиз очилади. Харид қилгани келганингиз ҳам ёдингиздан чиқиб, беихтиёр, ён-атрофни томоша қилишга тушиб кетасиз. Чиндан ҳам ҳавас қилса арзигулик бозорларимиз бор. «Чилонзор буюм бозори», «Қўйлик», «Миробод деҳқон бозор»ларини шулар жумласига киритиш мумкин. Саховатпеша деҳқонларимиз ва қўли гул боғбонларимиз қалб кўри тўқилган мева-чевалардан пештахталар эгилгудек.



Абдували Султонов «Миробод деҳқон бозори» очик акциядорлик жамиятида тозалик бўйича мутахассис бўлиб хизмат қилади.

— Кўриб турганингиздек, бозор кўзини қувнатадиган даражада саранжом-сарийта, — дейди у. — Бу ҳар бир тадбиркор тозалikka катта эътибор бераётганидандир. Шароитга қараб, бозор худудидан кўнига икки маҳал чинди олиб чиқилади. 82 та ахлат солинадиган кути қўйилган. Етти нафар фаррош эртадан кечгача озодалikka масъулият билан

ёндашади. Бозорда тадбиркорлар фаолият юритиши учун 963 та раста ўрни бор. Махсулотлар тури билан жойлашган. Арава хизмати яхши йўлга қўйилган бўлиб, баъзи жойлардагидек асабини эгавламайди. Қолаверса, маънавият ва маърифат хонаси жиҳозланшига аҳамият бераётганимиз ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Сотувчиларнинг харидорлар билан муомаласи жуда яхши. — Ҳар бир сабзавотдан уч

марта намуна олиниб, органалиптик ва нейтрат микдори текширилади. Талабга жавоб берса, маълумотнома берилади. — дейди «Миробод деҳқон бозори» Ветеринария-санитария экспертиза лабораторияси лаборанти Мавлада Тилабова.

— 10 йилдан бери шу бозорда ҳўл мева сотаман, — дейди

Китоб тумани, Варганза қишлоғидан келган тадбиркор Фуркат Зоҳидов. — Савдо-сотик билан шуғулланиш учун барча шароит яратилган. Бундай эътибордан сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам хурсанд.

Назира БОЙМУРОДОВА, «Ishonch» мухбири, Муаллиф олган сурат

хаёл оғушида

Айрим ўпкаси йўқ ҳайдовчилар (аксарияти ёшлар) ўтиб бораётган йўловчиларнинг ўтасини ёриб, тезликни пасайтирмаган ҳолда тўппа-тўғри бостириб келаверади.

Йўловчилар ҳам анвойи эмас. Қизил чироқ ёнганини гўёки кўришмайди. Ҳайдовчи жон керак бўлса, машинасини ўзи тўхтади, деб бамайлхотир йўлни қондага хилоф равишда кесиб ўтаверади. Энг даҳшатлиси, келатган машиналар оқимидан калагаги учган болаларини ҳам қўлидан торқилаб, лаллайганликда айблаган қўйи уларга ёмон ибрат кўрсатаётганини ни ўйламайдилар ҳам...

Еттинчи қаватдан ўтган-кетганини кузатиб турганим. Бир вақт ички ишлар органига тегишли машина тўхтаб, ундан олди ўринда қатнаётган миллионер тушиб келди. Орқага 7-8 метр юриб, йўлда ётган бир қулочга яқин таёқни ордан олди-да, қатор йўллар оралиғидаги дарахтлар томон ташлади. Сўнғ ҳеч нарса ўзи бермагандек машинага ўтириб кўздан гўйиб бўлди.

Балки сўрасиз, бунинг нимаси қаҳрамонлик деб. Ким билсин, балки у хатти-харақати билан қандайдир фалокатнинг олдини олган бўлса-чи? Дейлик, таёқ гилдиракка илакишиб, машинани пачоқлаши, энг

ёмони, гилдирак остидан сапчиб, кимдир шикастлаши мумкин-ку!

Қолаверса, йўлни хира қилиб ётган ёғочми ёки тошни четга олиб қўйиш маданиятлик белгиси эмасми? Эртаю кеч тартиб қилаётганимиз маънавий-маърифий тарбия мана шунга оддий кўринишдаги саъй-ҳаракатлар муассасам бўлган жойда мумкин қарор топмайди, ахир!

Ғафур Фулом метро бекатидан кўча юзига чиқаверишда «Россини» деб аталган ресторан ва кафе-бар бор. Кўпчилик бу жойни оддийгина қилиб «Ганга» деб кўя қолади. Пойтахтдаги энг донги кетган мусикамоқни шу ерда ёйсиз. Доимо гавжум. Шунга қарамай, саранжом-сарийта. Сабаби, ўзига ярашиқли кишини олган қизлар дам-бадам саҳн тозаланиши таъминлаб турадилар. Қўлида супурги, хокандоз тушлаган бу қизларни кўриб, келин тушириш ниятида юрганларнинг оғзи чучиса ҳеч ажабланмайман. Улар, ҳеч бир муболағасиз, борган жойларини ҳам тиндиришади...

Тенгқурлар билан тез-тез эслашиб турамыз. Мақтабда ўқиб юрган пайтларимиз эди. «Пахтакор» футбол жамоаси жону дилимиз, пиёда бўлса ҳам стадионга келиб, гоҳ чипта, гоҳ чиптасиз ўйинни томоша

Зайниддин РИХСИЕВ

Таҳририятдан:

Тошкентни ҳаммамиз яхши кўрамыз. Киндик қони шу заминга тўқилган, ризқи шу шаҳар билан бўр лаҳза бўлсин туташган, ҳатто мамлакатимизнинг энг олис қишлоғида туғилиб ўсган одам борки, миллати, ирқи, насл-насабидан қатъи назар, жаннатмакон ушбу гўшага ўзини бурчли ҳисоблайди.

Бинобарин, унинг дунёдаги энг гўзал, энг кўркам, энг маданиятли, энг намунали (бу сифатларни яна ва яна давом эттириш мумкин) шаҳарлардан бўлишини чин дилдан истайди.

Бу эса нафақат қурувчилар, йўлсозлар, фаррошлар, балки ҳар биримиздан катта масъулият талаб қилади.

Сўз исботи билан, дейдилар. Ҳеч шубҳасиз, бунинг уddасидан чиқамиз, чиқишимиз керак ҳам. Зеро, бу ўзимизни ҳам юксакларга кўтариши, ҳурмат-эҳтиромга сазовор этади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас.

Жисмоний ва руҳий ривожланиш омили

Хукуматимиз томонидан республикамизда спортни, айниқса, болалар спортини юксалтириш устувор йўналиш этиб белгиланган. Ёшларнинг спортга кенг жалб қилиш мақсадида болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилиб, кўплаб янги спорт иншоотлари, майдонлари, юзлаб спорт тўғрақлари фаолият кўрсатмоқда.

2004 йилдан бошлаб Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидаги болалар Мурувват уйларида тарбияланаётган ногирон болалар ўртасида Паралимпия спорт уйинлари ўтказиб келинади. Ногирон болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш мақсадида ўтказилаётган навбатдаги мусобақа Республика имконияти чекланган болалар учун ихтисослаштирилган коллежда бўлиб ўтди.

Анъанавий тарзда Паралимпия уйинларини ўтказиш орқали муайян таърибга эга бўлибди, аниқ натижаларга эришилди, — деди таъбир очилишида сўзга чиққан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазир А.Хайитов. — Хусусан, 16 нафар бола реабилитация орқали тўлақонли ҳаётга қайтиб, ўз оиласи бағрига қайтди. 38 нафар ёш болалар болалар ўзгалар ёрдамисиз аста-секин ҳаракат қила бошлади. 15 нафари мустақил юра бошлади. 79 нафари сузишни ўрганди. Энг асосийси, болаларнинг жисмоний ва руҳий ривожланишида ихобий ўзгаришларга эришилмоқда.

2004-2008 йиллар мобайнида Тошкент шаҳар 1- ва 2-болалар Мурувват уйи тарбияланувчиларидан 30 нафари Россия Федерацияси, Бельгия, Туркия ва Канадада ўтказилган халқаро турнирларда муносиб иштирок этди. Фарғона болалар Мурувват уйида ҳомиёлар томонидан боғ ташкил этилиб, замонавий аттракционлар билан жиҳозланди.



3-ўрин соҳиблари — Тошкентнинг 1-сонли БМУ ҳамда Фарғона БМУ жамоаси эса микротўқилки иситинг ва турли эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Абдуллатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири. Мухаммад АМИН (ЎАА) олган сурат.

«Ибратли ҳикоятлар» туркумидан

Ишдан қайтган, илҳом завқи билан ижоддонимга юрдим. Қўлим стол устидаги икки энли хатга тушди: «Қадри дадажон, сизни кўрмасдан қайтганим. Лоқин, билди кўйинг, сизни мен учун дунёдаги энг яхши дада деб айтолмайман. Соғ бўлсангиз, бас. Қизингиз Юлдуз».

Сўз касри

Яхши тушунмай, яна бир марта ҳиж-жалаб ўқиб бошладим: «...Сизни мен учун дунёдаги энг яхши дада деб айтолмайман». Бу нима дегани? «Яхши дада»-ликка номуносиб нима қилди? Туни билан мижажа қоқмай, ўйладим. Бироқ бундай тиксулликка арзийдиган асос тополмадим.

Орадан бирор ҳафта вақт ўтган, Зафаршон шаҳридан қизимнинг ўзи тэлефон қилиб қолди: — Дадажон, соғлигингиз яхшимми? — Нима эди? — Биз узокдамы, ўзингизни асранг, демокийдим. — Тилғламалик қилмай, кўнглингиздагини айт! Ёзиб кетибсан-ку! Бундан кўра, юзюмга айтганим афзал эмасми? — Бошқа гапим йўқ, дегандай телефонни ўчирдим. Яна жиринглади, қайта ўчирдим... Орадан 3-4 кун ўтган, қайриб 300 километрик йўл босиб, қизим етиб келди.

Мансур ЗОИРОВ

Табаррук онахон

Китоб туманида уч йоздан зиёд 90-100 ёшдан ошган кексалар ҳаёт кечираётир. — Бунга бизнинг кишлоқларимиз яққол мисол бўла олади, — дейди Бештарақ ҚФЙ раиси Юсуф Назаров. — Ун икки миңг аҳоли яшайдиган кишлоқимизда қайвони ва маслаҳаттўй нурунийлар кўп. Уларни тез-тез зиёрат қилиб, сўхбатларини олиб турибмиз.

Истиқлолнинг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан «Шўхрат» медалли билан мукофотланган юз ёшдан ошган табаррук қариялар қаторида Машъал кишлоғида яшовчи Умид момо Холмуродова ҳам бор. Ҳаётнинг барча имтиҳонларидан ўтган мўътабар онахон 13 набира, 50 чевара ва 4 нафар

И. ИСОМИДИНОВ

Табиат дорихонаси

Қовун дарахти

Полизда ёйилган палаклардан ташқари пояларнинг юқори қисмида етиштирилган қовунлар ҳақида ҳеч эшитганмисиз?

Тропик мамлакатларда экиладиغان, аммо келиб чиқиши жиҳатидан тропикага хос бўлмаган қовун дарахти — карика папайя кўп йиллик дарахтисимон ўсимлик ҳисобланади. Баргиннинг панжасимон қирқилганлиги ҳамда банднинг узунлиги билан биздаги қовуннинг ўсимлиги жуда ўхшаб кетади. Унинг шох-шабаси бўлмади, фақат танасининг учидан гўж ўрнашган барглари соябонга ўхшаб ёпирилиб туради.

Қовун дарахтининг бўйи 5-8 метр бўлиб, ўларга хос хусусият сақланган. Мевалари ўсимлик поясининг юқори қисмида асосан гўж бўлиб ўрнашади. Улар шакл жиҳатдан бир-бирига ўхшама-да, катта-кичиклиги билан фарқ қилади. Одатда, чўзинчоқроқ, узунлиги 25 см., қўндадан кесими эса 15 см.га боради. Катта мевалари баъзан регби тўпидан ҳам йирикроқ бўлади. Кўпинча кичикроқ мевалари ширин ва хушхўр бўлади.

Уруғи қора рангли, майда-майда. Хушбўйлиги учун маҳаллий халқлар таомни хушхўр қилиш ниятида уруғидан фойдаланишади. Энди унинг тарихи ҳақида икки оғиз сўз. Қовун дарахтининг ёввойи тури аниқланмаган. Ватани Гватемала ва Жанубий Мексикадир. Европаликлар илк бор бу ўсимлик билан XV асрда танишган. XVI асрда машҳур саёҳатчи Васко да Гама уни «Хиндистоннинг олтин дарахти» дея номлаган.

Дунё микросида папайя мевасини етиштириш йилдан-йилга ривожланимоқда. Айниқса, Бразилия, Мексика, Нигерия, Хиндистон, Индонезия бу борада пешқадамликни кўлга олган. Қовуннинг ўзгинаси бўлган меваси таомларга ишлатилади. Унинг ширасидан фермент-папайя, энзим олинади ва овқат ҳазм қилиш аъзолари мароми бузилганда фойдаланилади. Папайя мева ва барглари таркибида гижжаларга қирон келтирувчи алкалоид-карпаин мавжуд.

Шуниси диққатга сазоворки, хом мевасининг шираси жуда захарли, лекин фарқ пишиганида бу хусусият йўқолади. Меваси нафақат ташқи кўриниши билан, балки таъми ва кимёвий таркиби бўйича ҳам қовунга жуда яқиндир. Таркибида глюкоза ва фруктоза, органик кислоталар, оқсиллар, клетчатка, С, бета-каротин, В1, В2, В5 ва Д витаминлари, калий, кальций, фосфор, натрий, темир моддалари учрайди.

Папайя мевалари парҳез сифатида қадрланади. Бу герпесни даволашда эфдир. Доривор папайя киши ошқозонидида оқсилни парчалайди. Сўрилишида фойда қилади. Папайя трюмбоз (қон томларда таҳлил ҳисил бўлиши), гаситрит (ошқозон девори ялғиланиши)да шифо бағишлайди. Папайя тери куйганида, янги соч ўсишини тезлатишда тавсия этилади.

Табобатда «қовун дарахти» шираси умуртқа поғона хасталигида қўлланади. Умурткалараро диск — бириктурувчи тўқималарга ихобий таъсир кўрсатади. Куритилган сўсимон шираси тери хасталиқлари — экземада шифо бағишлайди. Барглари Марказий Америкада кийимни ювишда совун ўрнида ишлатилади. Қовун дарахти озиқ-овқат саноатида ҳам кенг миқёсда қўлланади. Айни пайтда «Папайя» номи билан йиғма чой, таблеткалар дорихоналарда сотилмоқда. Уларни ҳарид қилишдан олдин шифохор маслаҳатига катъий амал қилиш лозим.

Мирзаамир МИРЗАШАРИПОВ, дорихонус



Тадбир

Яхши кўшиқ кўнгил малҳамидир. Айниқса, у ватан ҳақида бўлса, тингловчининг киндик қони тўкилган юртига бўлган меҳрини кучайтиради.

Санъат ғалаба қозонди

Баркамол авлод йилига бағишлаб «Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» эзуғу гоёси остида ўтказилган «Ўзбекистон, сени қуйлайман» санъат фестивалининг Тошкент вилоят босқичи иштирокчилари ижросидаги кўшиқлар ҳам муҳлислар қалбидан жой олди, десак, янглишмаган бўламиз. Касаба уюшма ташкилотларида ўтказилиши аънавага айлиниб қолган мазкур фестивал кўплаб санъат ихлосмандлари, ҳаваскорлар номларини кашф этишга хизмат қилаётганлиги, айниқса, ташкилотларга, айниқса, ташкилотларга, айниқса, ташкилотларга...

— Мен эса, «Насрий сеғоҳ» куйини найда ижро этдим, — деб сўхбатда қўшилди психентлик Хасан Исроилов. — Бу куйининг ўзига хослиги шундаки, у «Чўли Ироқ»дай мунгли ҳам, «Тановар»дай шўх ҳам эмас. Тўрт йилдан бери най чаламан. Санъат ҳаётининг мазмунига айлиниб қолган. Мазкур фестивалда қатнашим мен учун катта имконият бўлди. — Ўзбекистон кўзи оғизлар жамияти Тошкент вилоят бошқаруви катташчилари томонидан шу йилнинг август ойида «Биз ҳеч кимдан кам бўлмаймиз» деб номланган таъбир ўтказилиб, унда икки нафар иштирокчи голиб бўлганди, — дейди биз билан сўхбатда Ангил, мебел саноати ва коммунал-مائиний хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Тошкент вилоятидаги вакили Ирода Ражабова. — Уларни бугунги фестивалга тақлиф қилдик. Бу уларнинг ҳаётида унутилмас кун сифатида муҳрлини қолади, деб ўзим қиламиз. Фестивалда, таъбир жоиз

бўлса, санъат ғалаба қозонди. Ҳар бир иштирокчининг истеъдоди муносиб баҳосини олиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Айниқса, мақом йўналишида Олмалик Марказий маданият уйи қатнашчиси Алишер Халилов, яқна ва ансамбл ижрочилигида Олмалик шаҳридаги 20-мактаб ўқитувчиси Аҳмад Худойкулов, аънаваний ижрочилик бўйича Олмалик шаҳар тикувчилик тўғраги раҳбари Нодира Абдурахмонова, яқна рақс ижрочилиги бўйича Ёқилғи-энергетика, кимё саноати ва геология ходимлари жамоаси номидан Динара Умарова, эстрада йўналишида Янгийўл шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказ нозир Шерзод Йўлчиев, жамоа рақс ижрочилиги бўйича «Аммофос-Макс» ОАЖ «Кимёгар» маданият маркази «Эдильвейс» рақс дастасининг чиққилари муҳлислар томонидан қизгин кутиб олинди. Улар республика босқичига йўлланиа олишди.

Н. БОЙМУРОДОВА

Миллий қадриятларни эъзозлаш, ёш авлод онгиде она ватанга муҳаббат туғу-сини шакллантириш, халқимизнинг бой маънавий меросини тарғиб қилиш борасида Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши кўплаб ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат ва жамят қурилиши академиясида «Ўзбекистон, сени қуйлайман» аънаваний санъат фестивалининг юқори савияда ташкил этилгани ҳам бунинг далилидир. Фестивалда Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган республика касб-хунар коллежи син-

Шерзод АБДУСАМАНОВ, «Ishonch» мухбири

«РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК

2010 йил 21 октябр куни аукцион савдоларини ўтказилади

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бороский кўчаси, 6-ўйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар ҳокимлиги автотранспорт корхонасининг 1984й. и/ч, д/р 10АТ662 бошланғич нархи 6 250 000 сўм бўлган «ГАЗ 5227»; 1988й. и/ч, д/р 10АТ606 бошланғич нархи 6 700 000 сўм бўлган «ГАЗ 5204»; 1989й. и/ч, д/р 10АТ661 ва д/р 10А5411 ҳар бирининг бошланғич нархи 4 400 000 сўм бўлган иккита «Тойота»; 1990й. и/ч, д/р 10АТ664 бошланғич нархи 2 100 000 сўм бўлган «РАФ»; 1993й. и/ч, д/р 10АН253 ва д/р 10АТ737 бошланғич нархи 3 500 000 сўм, д/р 10БА986 бошланғич нархи 1 250 000 сўм, д/р 10А873, 1995й. и/ч, д/р 10ВА078, 10АХ842, бошланғич нархи 3 100 000 сўм, 1995й. и/ч, д/р 10БД179, 10ВА034, 10ВА032, 10ВА135, 10ВА134, 10ВА061, 10ВС893, 10ВС887, 10БД116, 10АН422, ҳар бирининг бошланғич нархи 2 800 000 сўм; 1995й. и/ч, д/р 10ВА231, бошланғич нархи 2 650 000 сўм, 1995й. и/ч, д/р 10АР325 бошланғич нархи 2 100 000 сўм, бўлган жами 18 та «ГАЗ-3102»; 1995й. и/ч, д/р 10АН124, бошланғич нархи 5 550 000 сўм бўлган «АВИА»; 1995й. и/ч, д/р 10АЗ909, бошланғич нархи 16 860 000 сўм бўлган «Газел»; 1996й. и/ч, д/р 10ВС914, 1999й. и/ч, д/р 10ТН112, д/р 10ТН024, д/р 10ТН051, ҳар бирининг бошланғич нархи 6 500 000 сўм, 1998й. и/ч, д/р 10БФ187, бошланғич нархи 1 250 000 сўм, 1998й. и/ч, д/р 10БД676, д/р 10ТН249, д/р 10ТН251, д/р 10ТН241, д/р 10ТН004, д/р 10ТН013, бўлган 10та «ГАЗ 3102»; 1998й. и/ч, д/р 10АН688, д/р 10АН689, бўлган иккита «Тико» ҳар бирининг бошланғич нархи 6 800 000 сўм; 1999й. и/ч, д/р 10ТН125 ва 10ТН070, бошланғич нархи 11 500 000 сўм бўлган иккита «Супер салон»; 1999й. и/ч, д/р 10ТН205, бошланғич нархи 28 500 000 сўм бўлган «Волво»; Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 1-ўйда жойлашган, «Тoshihissiqiyat» ишлаб қилиш бirlashмаси Унитар корхонасининг 1997й. и/ч, д/р 10АР003, бошланғич нархи 13 600 000 сўм бўлган «Отойол-65-9»; 1988й. и/ч, д/р 10АВ630, д/р 10АВ631, ва 1990й. и/ч, д/р 01/987ЕАА, ҳар бирининг бошланғич нархи 1 800 000 сўмдан бўлган 3 та «УАЗ-3741»; Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 26-ўйда жойлашган, «UzGazOil» шўбба ҳўжалик жамияти баландлиги 2000й. и/ч, д/р 01/239ГВА бошланғич нархи 6 236 000 сўм, д/р 01/246ГВА бошланғич нархи 6 113 000 сўм бўлган иккита «ГАЗ-3110»; 1995й. и/ч, д/р 01/248ГВА бошланғич нархи 10 747 000 сўм, д/р 01/247ГВА бошланғич нархи 10 056 000 сўм бўлган иккита «Супер салон»; 1998й. и/ч, д/р 01/241ГВА бошланғич нархи 4 902 000 сўм, д/р 01/286ГВА бошланғич нархи 5 027 000 сўм бўлган иккита «Тико»; 1996й. и/ч, д/р 01/287ГВА бошлан-

ғич нархи 8 303 000 сўм, д/р 01/289ГВА бошланғич нархи 10 745 000 сўм бўлган иккита «ГАЗ-330210»; Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Фарғона йўли кўчаси, 50-ўйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси ҳузурдаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасининг «Марказий» комбинати тасарруфидаги 2002й. и/ч, д/р 10АТ702, бошланғич нархи 6 532 521 бўлган «Нексия»; Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Я.Ғуломов кўчаси, 2-ўйда жойлашган, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Республика махсус алоқа боғламаси давлат унитар корхонасининг 1989й. и/ч, д/р 10АК725, бошланғич нархи 1 037 000 бўлган «ГАЗ-2411»; 1989й. и/ч, д/р 10АК336, бошланғич нархи 785 000 бўлган «ИЖ-2715»; 1994й. и/ч, д/р 10АК333, бошланғич нархи 984 000 бўлган «ИЖ-2715»; 1997й. и/ч, д/р 10АА878, бошланғич нархи 4 872 000 бўлган «Ситроен» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Аукцион савдолари соат 11:00 да бошланади. Бу-юртма қабул қилиш шавди кунидан бир кун аввал соат 18:00да тўхтаилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдорда закалат пули «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК АТИБ «Ипотeka банкнинг Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўланади. Савдо голибига савдо кунидан бошлаб йиғирма кун муддат ичиди олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тўлуғлига қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқориди белгиланган савдо куниди сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга қўйилади.

Аукцион ўтказиладиган қўйилган манзилдан қўшимча маълумотлар олиш мумкин: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 16-А-ўй.

Алоқа телефони: 233-23-49, факс: 233-23-40, электрон почта P-A_DUK@mail.ru

Шунингдек, ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентини аппарати Ишлар Бошқармаси автоҳўжалигининг «ГАЗ-31029» русумли 2та д/р 01/370РРР — 2 800 000 сўмга, д/р 01/375РРР — 3 550 000 сўмга, Қимматли қозғалар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг Тошкент шаҳар бошқармасининг д/р 10АГ363 бўлган «Нексия» — 6 250 000 сўмга, Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар прокуратурасининг д/р 01/714ВВА бўлган «Нексия» — 5 300 000 сўмга сотилди.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси таниқли публицист, ёзувчи Анвар Жўрабоевнинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ихзор этади.

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and office details. It features the newspaper's logo and various service offerings.